

86.38
Б. 97



ИМОМ БУХОРИЙДАН ҚИРҚ ХАДИС



86.38
Б.97

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

ИМОМ БУХОРИЙДАН ҚИРҚ ҲАДИС



Тошкент
2018

УЎК 28
КБК 86.38
Б 97

Буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг айтган гаплари, қилган ишлари, фаолиятлари ҳақидаги хабарларни жамлаган дунёдаги энг ишончли китоб ҳисобланади. Ушбу рисолада ана шу китобдаги ҳадислардан ёшлар учун мўлжалланган турли мавзудаги қирк ҳадис тўпланган.

Имом Бухорийдан қирк ҳадис [Матн] / нашрга тайёрловчи Д. Муродов. - Тошкент : MOVAROUNNAHR, 2018. - 48 б.

Масъул муҳаррир:
Зоҳиджон Исломов

Нашрга тайёрловчи:
Дониёр Муродов

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 7 июлдаги 4218-сонли хулосаси асосида
нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-545-2

© Мовароуннаҳр, 2018

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ИЖОДИ

Муҳаддиснинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн Муғира ибн Бардизбах Абу Абдуллоҳ Жувфий. Муҳаддис, тарихчи, ҳадис илмида мўминлар амири.

Имом Бухорий ҳижрий 194 йил шаввол ойининг 13-сида, жума куни (милодий 810 йил 20 июлда) Бухоро шаҳрида зиёли оилалардан бирида дунёга келган. Имом Бухорий ёшлик пайтиданок илмга чанқоқ бўлган. Айниқса, ҳадис илмига бўлган иштиёқи чексиз эди. У илк бора ҳадис илмини ўз онасидан олган. Маълумотларга кўра, Имом Бухорийнинг онаси ўз даврининг оқила аёлларидан бўлган. Алломанинг отаси Исмоил ҳам илмли кишилардан саналган, тижорат билан ҳам шуғулланган. Бироқ Имом Бухорийнинг отаси унинг ёшлик пайтидаёқ вафот этади.

Манбаларда ёзилишича, Муҳаммад ибн Исмоил ёшлик пайтида кўзи ожизлик касалига чалинган. Лекин онасининг дуо ва илтижолари туфайли соғайиб кетган. Бу ҳақда адабиётларда бундай ёзилган: «Имом Бухорийнинг онаси тушида Иброҳим пайғамбарни кўриб, у зот Имом Бухорийнинг онасига “Эй аёл, Аллоҳ сенинг кўз ёшларинг ва дуоларинг сабаб ўглингга кўзининг нурини қайтарди”

TERTU, ARM
№ 402221

деган». Имом Бухорийнинг кўзи ёшлигида нима сабабдан ожиз бўлиб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди.

Имом Бухорий илмга чанқоқлиги сабабли қисқа вақт ичида оммавий билимлардан ўз улушини тўла-тўқис олишга эришади. Бухорий ҳадисларни ёдлашни 10 ёшидан бошлайди. Имом Бухорий ҳадис илмидан даставвал Бухорода, ўз даврининг таниқли муҳаддиси Дохийидан сабоқ олади. Ҳадисларни ўрганиш бўйича ушбу олим ташкил этган мактабнинг шухрати кенг тарқалган эди, Имом Бухорий ҳам бошқалар қатори унинг дарсларида мунтазам иштирок этган. Шу тариқа Имом Бухорий 16 ёшгача ўз Ватани тарихини ва Мовароуннаҳрдаги машҳур уламолардан ҳадис илмини чуқур ўрганди. Шунинг баробарида у ҳадис илми бўйича устозлари билан илмий баҳслар олиб борди. Айни вақтда машҳур бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак ва Вакиъ ибн Жарроҳ каби олимларнинг тўпламларини ёд олган. Унинг устозлари ва замондошлари бу ёш йигитнинг илмга бўлган чанқоқлигини кўриб таажжубда қолишарди.

Имом Бухорий 821 йилдан бошлаб ҳадислар ўрганишни бошлади ва 210/826 йилгача Ватанидаги машҳур муҳаддислардан ҳадис илми борасида сабоқлар олди.

Имом Бухорий илм талабида ислом минтақа-

сининг катта қисми бўйлаб сафар қилган, оламга донғи кетган йирик илмий марказларни айланиб чиққан. У ўзи ҳақида: «Шом ва Мисрга бордим. Жазирага икки марта, Басрага эса тўрт марта бордим. Ҳижозда етти йил яшадим. Куфа ва Бағдодга муҳаддислар билан неча марта кирганимнинг ҳисобини ҳам билмайман», деб ёзади.

Имом Бухорийдан ривоят қилишларича, у «Мен минг нафар ёки ундан ҳам кўпроқ шайхлардан ҳадис ёздим ва уларнинг ҳар биридан ўн минг, балки ундан ҳам зиёдроқ ҳадис ёздим», деган.

Ривоят қилинишича, Имом Бухорийнинг сафарлари давомида унинг шогирдлари сони тобора ортиб боради. Унинг шогирдларидан бири Абу Абдуллоҳ Фирабрийнинг ёзишича: «Имом Бухорийнинг дарсларида жуда кўп машҳур таниқли муҳаддис олимлар иштирок этарди. Улар орасида Абу Исо Термизий, Абу Абдурахмон Насоий, Муслим ибн Ҳажжож, Абу Ҳузайма сингари машҳур алломалар бор эди. Ҳали ёш йигит бўлган Имом Бухорийдан ҳадисларни эшитиб ўрганиш учун ер юзининг турли бурчакларидан ёшлари улуғ минглаб муҳаддислар келарди».

У илмий изланишлари давомида 100 минг саҳиҳ ҳадис ва 200 минг саҳиҳ бўлмаган ҳадисларни ёд олган. Имом Бухорийнинг котиби унинг ҳадис илмига бўлган иштиёқини тавсифлаб бундай ёзади:

«Агар Имом Бухорий билан сафарга чиқсак, йўл ярмида кечга якин бирорта хонадонда тунаш учун колар эдик. Ўша кечаси Имом Бухорий 15 мартадан 20 мартагача ўрнидан туриб, шам ёкиб, ёдига тушган ҳадисни ёзиб, кейин яна ётарди».

Имом Бухорий ўзининг ижодий изланишлари самараси орқали келажак авлодга кимматли дурдона асарлар мерос қолдирган. У ёзган асарларнинг сони йигирмадан ортиқдир. Улар сирасига «Ал-жомеъ ас-саҳих», «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-тарих ал-кабир», «Ат-тарих ал-авсат», «Ат-тарих ас-сағир», «Биррул волидайн», «Қитобул куно», «Қитобул илал», «Асмой ас-саҳоба» ва бошқаларни киритиш мумкин. Афсуски, бу асарларнинг кўпи юртимизда йўқ. Ҳозир юртимизда Имом Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳих» ва «Ал-адаб ал-муфрад», «Ат-тарих ас-сағир», «Ас-салоту халф ал-имом» ва бошқа асарлари бор.

Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий 870 йилнинг шаввол ойида шанба кунига ўтар кечаси хуфтон намози пайгида вафот этади. Шанба куни пешин намозидан сўнг Самарқанднинг Харганг қишлоғида дафн этилади. Имом Бухорий 62 йил умр кўрган.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ «АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИҲ» АСАРИДАН 40 ҲАДИС

Ният

1. Мўминлар амири Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деяётганларини эшитдим: «Амаллар фақатгина ниятлар билан эътиборлидир ва ҳар бир киши учун унинг ният қилган нарсасигина берилади...»

Изоҳ: Банданинг амаллари қалби, тили ва бадани орқали амалга оширилади. Ушбу ҳадисда инсон қалби орқали бўладиган нарса тўлиқ ёритилган. Чунки дин ички ва ташқи амаллардан иборат. Ният ички амал ҳисобланиб, қалб билан бўлади. Инсоннинг зоҳирида кўринадигани ҳаракатли амаллардир. Одам диний ва дунёвий ишларни амалга оширганда, унинг ниятига қараб, ё савоб ёки гуноҳ берилади. Масалан, инсон илм олади, бу илм олишидан мақсад дунё

ва дини учун бўлса, илмга ва савобга эришади. Аммо илм олишдан мақсад бойлик топиш бўлса, илмга эришади, бироқ савоб олмайди. Шундай экан, инсоннинг нияти яхши ва холис бўлиши, амаллари ҳам шунга мос келиши лозим.

Яхши ишларга савобнинг кўпайтириб берилиши

2. Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолодан ривоят қилиб дедилар: «Аллоҳ таоло яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам ёзди, сўнгра уларни баён қилиб берди. Ким бир яхшиликни кўнглига тугса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурда уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир яхшиликни кўнглига тугиб, уни амалга ҳам оширсан, Аллоҳ таоло уни Ўз ҳузурда ўн яхшиликдан етти юз баробаргача – беҳад зиёдалар билан ёзиб қўяди. Агар банда бир ёмонликни кўнглига тугса-ю, уни қилмаса, Аллоҳ таоло ўз ҳузурда уни комил яхшилик сифатида ёзиб қўяди. Агар бир ёмонликни кўнглига тугиб, уни амалга оширсан, Аллоҳ таоло уни битта ёмонлик сифатида ёзиб қўяди».

Изоҳ: Бу ҳадис ҳам Аллоҳ олдида, ҳам жамият олдида инсоннинг мавқеини оширишга қара-

тилган. Кишининг исломи қанчалик гўзал, имони комил ва қилган иши қай даражада ўрнига тушганига қараб, унинг амали етти юз баробар зиёдалари билан ўзига қайтарилади. Ким бир яхши амални кўнглига тугиб, сўнг уни қилмаса ҳам, ана шу қатъий қарори Аллоҳ таоло ҳузурида комил яхшилик сифатида ёзиб қўйилади. Чунки яхшилик қилишга бел боғламоқ ижобий ишларнинг муқаддимаси ва сабабчисидир. Яхшилик сабабчиси ҳам яхшилик саналади. Натижада инсон фақат яхшилик қилишга ҳаракат қилади. Аллоҳ таоло бандасини дилидан ўтган ёмон ниёти учун азобламайди. Дилидаги ёмон ниётлар амалда кўринсагина, уларга жазо беради. Муслмон киши ҳамиша бир яхши ниётни дилига тугиб юрсин. Эҳтимол, у хайрли ниётлари учун мўл-кўл ажр-савоблар олар. Албатта, мўминлар қодир бўлган чоғларида хайрли ниётларини амалга оширишга ўзларини шай тутмоқлари, ўргатмоқлари лозим. Ихлосли бандалар адо этган хайрли ишлари учун ҳам, тарк қилган маъсиятлари учун ҳам қалбларидаги ихлослари туфайли савоб оладилар. Ихлоснинг улканлигига қараб бериладиган савоблар ҳам зиёда бўлади. Бу Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига раҳмати кенг, мағфирати улуғ ва ажр-мукофоти беҳисоб эканини кўрсатади.

Ислом арконлари

3. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳумо) дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «**Ислом беш нарса устига барпо қилингандир: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик бериш; намозни барпо қилиш; закотни адо этиш; Байтуллоҳни ҳаж қилиш; Рамазон ойида рўза тутиш**».

Изоҳ: Исломнинг асосий қоидаларини ўзида жамлаган ушбу ҳадис мўминларга Ислом динини ва унинг асосларини танитади. Дин арконлари тартибини баён қилиб беради. Улар: 1. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг Расули, деб гувоҳлик бериш орқали киши мусулмон бўлади; 2. Намозни доимо ўз вақтида адо қилиш бу – баданий ибодат ҳисобланади; 3. Агар моли муайян миқдорга етган бўлса, камбағалларга закот беради, бу молиявий ибодатдир; 4. Имкониятга эга киши умрида бир маротаба Байтуллоҳни ҳаж қилиши; 5. Ҳар йили Рамазон ойида рўза тутиш. Рўза киши қалбининг покланишига, унинг руҳан юксалишига ва жисмонан соғлом юришига сабаб бўладиган ибодатдир.

Бидъат рад этилади

4. Уммул мўминин Ойша (розияллоҳу анҳо) дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «**Кимки динимизда асли йўқ бўлган нарсани пайдо қилса, у албатта рад этилади**».

Изоҳ: Ушбу ҳадис динда бўлмаган ишларни диндан деб амалиётга жорий қилинишига қарши айтилган. Чунки диндаги барча амаллар инсон бажариши учун энгилдир. Бироқ баъзи одамлар ўзлари бирор ишни ўйлаб топиб, диндан деб одамларга ўргатганлар, мана шундай асли динда кўрсатилмаган амаллар бидъат ҳисобланиб, улар рад этилади. Шунинг учун динда кейинчалик пайдо қилинган амалларнинг Аллоҳ шариатига хилоф бўлганлари ёмон бидъат ва очик залолатдир.

Ҳалол ва ҳаром

5. Абу Абдуллоҳ Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: «**Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар аниқдир, ҳаром нарсалар ҳам аниқдир. Иккисининг ўртасида эса, шубҳали нарсалар ҳам борки, кўпчилик уларни билмайди. Кимки шундай шубҳали нарсалардан ўзини**

эҳтиёт қилса, динини ҳам, номус-обрўсини ҳам покиза асраб қолади. Бунинг мисоли биронинг кўрғони атрофида сурувни ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайди. У қўйларининг беҳосдан ўша кўрғонга кириб кетишидан омонда бўлмагани сингари, шубҳали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилмаган киши кейинчалик ҳаромга ҳам аралашиб қолади. Огоҳ бўлинг, ҳар бир подшонинг кўрғони бўлади. Огоҳ бўлинг, Аллоҳнинг кўрғони Унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлинг, жасадда бир парча гўшт борки, агар у соғлом бўлса, бутун жасад соғ-саломат бўлади. Агар у айниса, жасаднинг қолган қисми ҳам бузилади. Огоҳ бўлинг, у парча гўшт қалбдир».

Изоҳ: Нарсалар уч қисмга бўлинади: ҳалоллиги очиқ-ойдин бўлган нарсалар, масалан, нон емоқ, гапирмоқ, юрмоқ каби; ҳаромлиги очиқ-ойдин бўлган нарсалар, масалан, ароқ ичиш, зино қилиш каби; на ҳалоллиги ва на ҳаромлиги аниқ бўлган шубҳали нарсалар. Уларнинг ҳукмини кўпчилик билмайди. Уламолар эса, оят-ҳадис ҳужжати билан ёки қиёс орқали уларнинг ҳукмини айтадилар. Демак, бирон нарсанинг ҳалол ёки ҳаром эканида шубҳа туғилса ва бу борада оят, ҳадисдан ва ижмодан далил топилмаса, мужтаҳид олим шу мавзуда

ижтиҳод қилиши ва шаръий далил билан ўша ноаниқ нарсани ҳалолга ёки ҳаромга нисбатлаб бериши лозим бўлади.

Бу ҳадис мўмин кишини ҳалолга интилиб, ҳаромдан узоқлашишга, шубҳали нарсаларни тарк қилишга, дини ва обрўсини пок сақлашга, одамларда ёмон гумон уйғотиши мумкин бўлган амаллардан ўзини йироқ тутишга ва гуноҳларга аралашиб қолмасликка ундайди. Шунингдек, маънавий қувватларни кучайтиришга, нафсни ислоҳ қилишга чақиради ҳамда ҳаром ишларга олиб борадиган баҳоналарнинг олдини олишга ундайди.

Қалбнинг саломат бўлиши – хиёнат, адоват, ҳасад, хасислик, бахиллик, кибр, ўзгалар устидан кулиш, риё, макр, ҳирс, таъмагирлик, тақдирдан норози бўлиш каби ички иллатлардан саломат бўлиш билангина ҳосил бўлади.

Буйруқларни имкон қадар бажариш

6. Абу Ҳурайра Абдурраҳмон ибн Саҳр (розиаллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Мен Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: «Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан йироқ бўлинглар. Нимага буюрган бўлсам, имкон қадар ўша нарсани бажаринглар. Сизлардан аввал ўт-

ган қавмларни ҳалок қилган нарса уларнинг ўз пайғамбарларига кўп савол бераверишлари ва кўрсатмаларига хилоф иш қилишлари бўлган».

Изоҳ: Бу ҳадисда кишига буюрилган ишни қилиб, қайтарилган ишдан тийилиши айтилган. Ортиқча савол ва бўлмаган нарсалар ҳақида сўраш мумкин эмаслигини ўргатади. Шунингдек, кўп савол берувчиларга ўша ишни қила олмай, унинг тескарисини қилиб кетишларидан огоҳлантиради. Шариат буйруқларини англаб, уларга амал қилишга интилиш ва беҳуда саволлардан ҳалос бўлиш лозим. Расулуллоҳдан аввалги пайғамбарлар умматининг адашиб кетишларига ортиқча савол бериб, кейин унга амал қилмасликлари сабаб бўлгани уқтирилмоқда. Демак, сўраётган киши савол беришда ҳам ўзига яраша одобга амал қилиши ҳамда жавобни эшитгандан сўнг, унга амал қилиши лозим бўлади. Мусулмон киши ўзи ёки жамият учун зарур бўлган нарсага ва унга амал қилиши учун савол беради.

Мол-мулк, жон ва обрў дахлсизлиги

7. Абу Бакра (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни эслаб, Расулуллоҳ бундай деганлар деди: «Ушбу кун ва

ой хурмати, бир-бирингизнинг мол-мулкингни таламанглар, қонингиз ва обрўйингни тўкманглар. Гапимни эшитганлар эшитмаганларга етказсинлар!»

Изоҳ: Мусулмоннинг молини тортиб олиш, қонини ва обрўсини тўкиш гуноҳ экани таъкидланмоқда. Бу ерда бошқа одамни обрўсини тўкиш ва молини тортиб олиш одам ўлдириш билан бир қаторда кўрилиши унинг гуноҳи катта эканига далил бўлади. Шунинг учун бировни ўлдиришдан ёки молини ўғрилаб олишдан қанчалар эҳтиёт бўлинса, унинг обрўсини тўкишдан ҳам шунча эҳтиёт бўлиш зарур. Шунингдек, бу алоҳида таъкидланган ва бу ҳадисни бошқалар ҳам билиши учун эшитмаганларга етказиш уқтирилган. Демак, бир одам бошқанинг обрўсини тўкиши ҳаром ҳисобланади. Одамларни ғийбат қилиб, обрўсини тўккан дўзахда азобланиши ҳақида бошқа ҳадислар ҳам бор.

Аллоҳ ёмон кўрган ишлар

8. Муғйра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло сизларга оналарингизга оқ бўлишни ҳаром қилиб, мумсик (хасис) бўлишни ҳамда гўдак қизларни тириклайин ерга кў-

мишни (Исломдан олдин шундай одат бўлган) ман қилди, шунингдек, миш-миш гапларни тарқатиш, кўп савол бериш ва молни зое қилишни сизлар учун ёмон кўрди», дедилар.

Изоҳ: Бу ҳадис Аллоҳ ёмон кўрган сифатларни зикр қилиб ўтмоқда. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-онага оқ бўлмаслик лозим. Кишининг ўз қиз зурриётини ўлдириши жуда оғир жиноятлардан экани уктирилмоқда. Шунингдек, турли асоссиз гапларни текширмасдан тарқатиш мумкин эмас. Кишининг бошқаларга кўп савол бериши, айникса, мансаб эгалари, устоз, имом ва шунга ўхшаш кишиларга ўзи ва бошқалар учун фойдасиз савол бериши натижасида кўплаб нохушликлар келиб чиқиши кузатилгани учун ҳам бундан қайтарилган. Маблағни ҳам ўз ўрнига сарфламай, исроф қилиш жамиятдаги мувозанатни бузади, инсонлар ўртасида фитна чиқишига сабаб бўлади. Бу эса, уларнинг бирдамлигини кетказади.

Катта гуноҳлар

9. Убайдуллоҳ ибн Абў Бакр ривоят қилади: «Мен Анас ибн Молиқдан эшитдимки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) катта гуноҳлар ҳақида гапирибдилар ёки одамлар ўзлари Жаноб Расулulloҳдан катта гуноҳлар тўғрисида сўрашибди. Шунда Пайғамбаримиз (соллал-

лоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таолога ширк келтириш, ўзини-ўзи ўлдириш ва ота-онага оқ бўлиш», дебдилар. Кейин яна: «Энг катта гуноҳларни айтайми? Бу тухмат қилишдир», деб кўшиб қўйдилар. У Зот: «Ёлғон гувоҳлик беришдир!» деб айтган бўлишлари ҳам мумкин, чунки Шувба: «У киши: “Ёлғон гувоҳлик беришдир!” деган бўлишлари керак, деб ўйлайман», дейди.

Изоҳ: Бу ҳадисда инсоннинг дунёси ва охира-ти учун энг хатарли бўлган ишлар, яъни катта гуноҳлар ҳақида гапирилган. Аллоҳга ширк келтириш, яъни Аллоҳнинг шериги бор деб ҳисоблаш гуноҳларнинг энг каттаси ҳисобланади. Шунингдек, ота-онага оқ бўлиш ва ўзини ўлдириш, яъни суиқасд ҳам улкан гуноҳлар экани таъкидланган. Буларга кўшимча равишда ёлғон гувоҳлик бериш ҳам катта гуноҳлардан экани тушунтирилган. Ёлғон гувоҳлик (тухмат) ҳам жамиятнинг бўлинишига, нафрат ва адоватнинг пайдо бўлишига олиб боровчи йўлдир. Одам ўзи билмайдиган, кўрмаган, эшитмаган нарсасига гувоҳ бўлиши ёлғонларнинг каттаси ҳисобланади.

Мусулмон кишининг сифатлари

10. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг ходимлари Абу Ҳамза Анас ибн Молик (ро-

TERBU ARM
№ 402221

зияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Сизларнинг бировингиз то ўзига яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўрмагунига қадар имонли бўла олмайди».

Изоҳ: Бу ҳадис инсонларни ўзаро ахил-иноқ қилиш билан улар аҳволини ўнглаш Ислом дини катта эътибор берадиган муҳим амал эканини кўрсатмоқда. Киши худбинлик, ҳасад ва адовату нафрат каби иллатлардан холи бўлмас экан, унинг қалбида имон мустаҳкам қарор топмайди. Комил имон эгаси бўлмоқ учун инсон ўзига хоҳлаган соғлиқ, тинчлик, яхши ҳаёт кечириш, Аллоҳнинг розилигига эришишдек улуғ неъматларни биродарига ҳам соғинмоғи лозим. Инсон ўзи учун хоҳлайдиган хайрли, ҳалол нарсаларни ва тоат-ибодат амалларини биродарига ҳам соғиниши, ўзининг бошига тушишини исгамаган ёмонлик ва маъсиятдан биродарларининг ҳам омон юришини тиламоғи лозим. Ўзи учун бировлардан инсоф-адолат талаб қилганидек, биродарига нисбатан ҳам ҳамisha адолатли бўлиб, унинг ҳақ-ҳуқуқларини тўла адо этиши имондан экани уқтирилмоқда. Бошқа ҳадисда: «Мусулмон мусулмонга биродар бўлиб, ўзаро зулм қилмайди, бир-бирининг тинчлигини бузмайди. Кимки биродарининг оғирини енгил

қилса, Аллоҳ таоло унинг мушқулини осон қилади!» дейилган.

Қўшнига яхшилик

11. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «**Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўзларни гапирсин ёки сукут сақласин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўннисини иззат-икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини иззат-икром қилсин.**»

Изоҳ: Фақат хайрли сўзларни сўзлаб, беҳуда гаплардан ўзини тиймоқ имон комиллигидандир. Кўп гапириш ҳалокатга олиб боради. Тилни беҳуда гаплардан сақламоқ нажотга бошлайди. Зеро, беҳуда гап-сўз орқасидан кимгадир зиён етказиб қўйиш ёки фисқу фасод урчишига йўл очилиши ҳеч гап эмас. Ана унда киши Парвардигори ғазабига дучор бўлади. Шу боис фақат хайрли сўзларни сўзлаш комил имон белгиларидан саналади. Қўшни билан яхши муносабатда бўлиш зарур, унга озор бериш Исломда ҳаромдир. Меҳмонни иззат-икром қилиш кишининг имони ва исломи гўзаллигидандир. Мазкур ҳадис мазмунини тўлиқ англаб, унга тўла-тўқис

амал қилмоқ жуда аҳамиятли. Чунки у қалбларни бир-бирига яқинлаштиради, ўртадан гина, адоватни, нафратни кўтаради. Ҳаммамиз кимгадир кўшнимиз. Кўпчилик одамлар меҳмон ёки мезбон бўлишади. Агар ҳар ким ўз кўшнисини иззаг-икром қилса, ҳар бир мезбон меҳмоннинг ҳурматини жойига қўядиган бўлса, жамият фаровонлашади, ўзаро муҳаббат, дўстлик қарор топади. Айниқса, ҳар бир инсон сўзлаш одоби-га риоя қилиб, фақат яхши сўзларни сўзласа ёки сукут қилса, яхшиликлар зиёда бўлади.

Ғазаб қилма!

12. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Бир киши Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: “Менга насиҳат қилинг”, деди. “**Ғазаб қилма!**” дедилар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Ҳалиги одам илтимосини бир неча бор такрорлади. “**Ғазаб қилма!**” дедилар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)».

Изоҳ: Мусулмон гўзал ахлоқлар билан сифатланган, ҳилму ҳаё ила зийнатланган бўлади. Тавозе либосини кийган инсон ўзгаларга раҳмдиллик билан муомала қилади. У бировлар оғирини ўз елкасига олади, озор-азиятларга сабр қилади, жазолашга қодир бўла туриб дилозорни афв эта-

ди, ҳамиша ғазабини боса олади... Хуллас, улуғ сифатлар ва гўзал ахлоқларни ўзида мужассам этади. Саҳобий дунёю охираг яхшилиғига етишиш умидида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан насиҳат сўраганида, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир оғиз лўнда ибора билан унга насиҳат қилдилар: **“Ғазаб қилма!”** Мазкур ибора ҳар бир хайр-яхшиликка дахлдор ва ёмонликка тўсиқ бўлган насиҳат ҳисобланади. Ҳалимлик ва босиқлик дунёю охираг саодатига бошлайди. Ғазаб ёмонликларнинг бошидир, ҳалимлик эса, кучлилик белгисидир. Ғазаб ҳалокатли оқибатларга олиб боради. Инсон ғазаб устида қилиб қўйган ишларига ҳам жавоб беради.

Йўлнинг ҳақи

13. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Кўчаларда (бекорчиликдан эзмаланиб гаплашиб ўтирмоқдан) қочинглар!”** дедилар. Одамлар: **“Ё Расулуллоҳ, бунга одатланиб қолганмиз”**, дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: **“Агар ўтиришларингиз лозим бўлса, у ҳолда йўлнинг ҳақини адо қилинглар!”** дедилар. Одамлар: **“Йўл ҳақи нима?”** дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: **“Кўзни тийиш, азият етказмас-**

лик, ўтаётганлар саломига алик олиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтаришдир”, деб жавоб қилдилар.

Изоҳ: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларни кўчада бекорчи ўтиришдан қайтардилар. Унинг ўрнига фойдали ишлар билан шуғулланиш лозим. Агар бу ҳолатга тушиб, кўчада ўтиришга тўғри келса, унинг одобига риоя қилиш керак бўлади. Кўчадан ўтган-кетганга термулмай, уларни ғийбат қилмай, уларни муҳокама қилмай, салом берса алик олиб, ўтаётган кишини яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариши лозим бўлади. Бу ҳадис бекорчиликдан қайтармоқда.

Чин мусулмон

14. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон – тили ва қўли билан бошика мусулмонларга озор бермаган одамдир, муҳожир – Аллоҳ таоло тақиқлаган нарсалардан ўзини тия билган одамдир!” дедилар».

Изоҳ: Бу ҳадисда диннинг буюк одоби баён қилинмоқда. Ҳақиқий мўмин, чин мусулмон ҳеч қачон ноҳақ бировга озор бермайди. Унинг имони бундай қилишга йўл қўймайди. Агар ўзи ис-тамаган тарзда бировга озор бериб қўйса, виж-

дони қийналиб, ўзини қўярга жой тополмайди.

Мусулмонлик даъвосини қилиб, одамларни ўлдирадиган кимсалар диннинг бу таълимотини унутиб қўйган. Уларнинг бу иши динини бошқаларга ёмон қилиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Ўз жонига қасд қилиш имон заифлигидандир

Собит ибн Заҳҳок (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, жаҳаннам оловида ўша нарса билан азобланади”**, дедилар.

Изоҳ: Ўз жонига қасд қилиш энг катта гуноҳлардандир. Чунки ўз жонига қасд қилиш илоҳий неъматларга ношукрлик, ҳаётдан воз кечишдир. Инсон ким бўлишидан қатъи назар, унинг бошига турли синовлар тушиши табиий. Баъзилар ҳаёт қийинчиликлари сабабли ўзларини ҳалок этиб, гўё шу билан азоблардан биратўла қутуламиз, деб ўйлашади. Бу ўйлари шайтон васвасаси, жуда катта хатодир.

Инсон ҳеч қачон Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмаслиги, бошига мушкул иш тушганда ваҳима босиб, шошилиб, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, нотўғри қарор қабул қилмаслиги лозим.

Савоблар тўла берилади

15. Абу Саид Худрий (розияллоҳу анҳу) риво-

ят қилади: «Бир бадавий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ҳижрат ҳақида сўради. Жаноб Расулуллоҳ: “Шўринг қурсин, ҳижрат қилиш мушкул иш, сенинг туяларинг борми?” деб айтдилар. У “Ҳа бор”, деди. Жаноб Расулуллоҳ: “Улар учун закот бериб турасанми?” деб сўрадилар. У: “Ҳа закот бериб тураман”, деб жавоб қилди. Жаноб Расулуллоҳ: “Денгизлар ортида туриб ҳам амали солиҳ қилавер. Аллоҳ таоло қилган солиҳ амалларинг савобини бекаму кўст беради”, дедилар».

Изоҳ: Мусулмон киши қаерда бўлса ҳам мусулмон. Мусулмонлигини билдириш учун маълум бир жойга кўчиб бориши шарт эмас. Инсон қаерда бўлса ҳам, тўғри ибодат қилса, ибодати Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўлаверади.

Одоб

16. Абу Масъуд Уқба ибн Амр Ансорий Бадрий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Одамлар орасида аввалги пайғамбарлардан сақланиб қолган бир гап шуки: агар уялмасанг, хоҳлаган ишингни қил!»

Изоҳ: Кишиларни ҳаёли бўлишга даъват этиш уларни барча маъсият ва ёмонликлардан қайтарувчи чақириқдир. Ҳаё инсонларга хуш келувчи хайрли хислат ҳамдир. Одамлар ҳаёдан маҳрум

бўлишни нуқсон ва айб деб биладилар. Шунингдек, у имоннинг комиллигини билдирувчи хусусият саналади. Аслида Ислом дини ўзининг умумаҳкомлари ва кўрсатмалари билан эзгулик ва ҳақни қарор топтирувчи, маломатли ишларни тарк қилишга чақирувчи диндир. Бу ҳадис Ислом асосларидан биридир. Яъни шариат буюрган вожиб ва мандуб амалларни бажармасликдан ҳаё қилинади. Шариат қайтарган ҳаром ва макруҳ ишларни эса бажаришдан ҳаё қилинади. Мубоҳ амаллар эса, уларни бажаришдан ҳам, тарк қилишдан ҳам ҳаё қилиш мумкин. Ҳадисдан бир неча маъно тушунилади: 1. Ҳадисдаги буйруқ феъли таҳдид-ваъидни ифодалайди. Унда ҳадис маъноси куйидагича шарҳланади: Агар сенда ҳаё бўлмаса, хоҳлаган ишингни қилавер. Албатта, Аллоҳ таоло сени қаттиқ жазолайди! 2. Ҳадисдаги буйруқ хабар маъносини ифодалайди. Яъни, беҳаё кимсалар хаёлларига нима келса, қилаверадилар. Чунки ҳаё инсонни қабих одатлардан тўсиб туради. Ҳаёсиз махлуқлар эса бузқлик ва тубанлик балчиғига ботадилар.

Дарахт экиш савоби

17. Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Бир мусулмон дарахт эккан бўл-

са-ю, унинг мевасидан одамлар ёки ҳайвонлар тановул қилган бўлса, унга садақа берганлик савоби ёзилади!” деб айтдилар».

Изоҳ: Бу ҳадис инсоннинг ҳар бир қилган яхши ишига садақа ёзилиши ва ҳатто, эҳкан дарахтидан одамлар еса, ўшанга ҳам савоб бўлиши айтилмоқда. Демак, жамиятда инсонларга фойдаси тегадиган ишларни қилишга интилиш яхши ишлардан ҳисобланади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари

18. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) шундай дейди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўконғич ҳам, бадхулқ ҳам, қарғовчи ҳам эмас эдилар. Бирортамизга танбех бермоқчи бўлсалар: “Пешонанг тупроққа теккур!” дер эдилар».

Изоҳ: Бу ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хулқлари қандай бўлгани ҳақида кетмоқда. У киши одамларни лаънатлаб, сўкиб, қарғаб юрадиган бўлмаганлари айтилган. Ҳатто кофирларни ҳам сўкмаганлар. Бирор кишига “пешонанг тупроққа теккур” дейишлари, пешонанг саждага тегсин, яъни намоз ўқигур, дейиш ҳисобланган. Инсон намоз билан яхшиликка эришади.

Савобли ишлар

19. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «**Инсонлардаги жами аъзолар учун Қуёш чиқадиган хар бир кунда садақа мавжуд: икки киши ўртасида адолат қилишинг – садақа. Бировнинг уловга минишига ёрдам бериб, уни чиқариб қўйишинг ёки нарсасини олиб беришинг – садақа. Яхши сўз – садақа. Йўлдан азиятли нарсани олиб ташлашинг ҳам садақадир**».

Изоҳ: Инсон жисмидаги бўғинлар батартиб ва кўркам суратда яратилгани, уларнинг турли вазифаларни бажара олиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танадаги аъзоларни алоҳида тилга олдилар. Суяклар, бўғинлар ва асаб толаларининг соғломлиги жуда катта неъматдир. Бунинг учун Аллоҳга шукроналар айтиш керак. Неъматлар бу тана ҳамда кулоқ ва кўз саломатлигидир. Аллоҳ таоло бандалардан бу неъматларни нималарга ишлатганларини сўрайди. Шунинг учун тананинг шукрини адо этиш лозим. Садақа фақат мол-давлат доирасида чекланмайди. Талашиб-тортишиб, хусуматлашиб, аразлашиб ажрашиб кетган икки киши ўртасини ислоҳ қилиш ҳам, биродарига уловга чиқишида ёрдамлашиш

ҳам садақа экан. Бошқа одамга айтилган яхши сўз ҳам садақа. Юришга ҳалал берадиган нарсаларни йўлдан олиб ташлаш ҳам садақа сифатида Аллоҳ ҳузурида ёзилиб бориши айтилмоқда. Муслмон кишининг ҳар бир қилган амалига савоб ёзилиши алоҳида таъкидланмоқда. Натижада киши доимо яхши ишларни қилиб юришга ҳаракат қилади.

Аллоҳ муҳаббатига сабаб амал

20. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Аллоҳ таоло айтади: Кимдаким Менинг дўстим билан адоватлашса, Мен унга уруш эълон қиламан. Бандам Мен унинг зиммасига фарз этган амаллардан кўра суюклироқ нарса билан Менга қурбат-яқинлик ҳосил қилмаган. Бандам Менга нафл ибодатлар билан тобора яқинлашаверганидан, ҳатто уни яхши кўриб қоламан. Агар уни яхши кўрсам, Мен унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўламан. Агар Мендан сўраса, албатта, унга бераман. Агар Мендан паноҳ тиласа, албатта, уни паноҳимга оламан».

Изоҳ: Бу қудсий ҳадис бўлиб, маъноси Аллоҳдан, сўзи Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам)дандир. Ушбу ҳадисда Аллоҳ ўз бандалари орасидан дўст тутганлари бор эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло эса ўз дўстларидан меҳр-муҳаббатини дариг тутмайди ва уларга озор етказган кимсаларга ғазаб қилади. Шунингдек, ушбу хадис кимлар дунё ва охиратда Аллоҳнинг суюкли дўстлари эканини баён этади. Аллоҳ таолонинг дўстлари ҳамиша Парвардигор ибодатида қоим турувчи ва ёлғиз Унга ихлос қўювчи мўминлардир. Аллоҳ таоло учун суюкли бўлган энг афзал амал фарзларни адо этишдир. Фарз ибодатлари билан бирга нафл ибодатларни адо этиб, ҳаром ва макруҳлардан ўзини сақловчи инсон яхшиликларда ўзиб кетувчи деб каралади. Унинг мартабаси Аллоҳ валийларининг олий даражаси ҳисобланади. Банда Унинг буйруғига мувофиқ ҳаракат қилади, Аллоҳни деб гапиради, Аллоҳни деб эшитади, Аллоҳни деб карайди ва Аллоҳни деб ушлайди. Банданинг барча иши Аллоҳни розилиги учун бўлади. Бундай кишиларнинг қилган дуолари доимо ижобат бўлади.

Илм

21. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мажлисда ўтирган эдилар. Уч киши кириб келди. Улардан иккиси Расулуллоҳга юзланиб, тўхтаб қолди, бири эса қайтиб кетди. Қолган икки ки-

шидан бири даврадаги бўш ўринни кўриб, ўша ерга бориб ўтирди. Иккинчиси ҳам даврадан четроққа аста келиб ўтирди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзлаб бўлгач, дедилар: «Сизларга уч киши тўғрисида гапириб берайми? Биринчиси, Аллоҳдан бошпана сўради, Аллоҳ унга бошпана берди, иккинчиси эса (одамлар орасига кириб ўтиришдан) уялди, Аллоҳ таоло ҳам (уни азоблашга) уялди. Аммо учинчиси мажлисдан юз ўгирди. Аллоҳ таоло ҳам ундан юз ўгиради».

Изоҳ: Бу ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг одобларидан бири кўринмоқда. Уч кишининг айнан ўзини кўрсатмасдан, ишора қилмоқдалар. У зот даврларида масжид барча вазифаларни адо этадиган жой бўлган: масжид, мадраса, маслаҳатхона ва ҳоказо. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидда илмдан гапириб турган вақтларида уч киши кириб келади. Шунда улардан бири одамларнинг орасига кириб ўтиради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу одамни илмга бўлган интилишини эътиборга олиб, Аллоҳдан бошпана сўради, Аллоҳ ҳам унга бошпана берди, деб айтдилар. Иккинчиси ҳам чиқиб кетмай, одамлардан четроққа ўтиради. Аллоҳ бу кишини ҳам савобсиз қолдирмайди. Аммо учинчи одам эса

илм мажлисидан чиқиб кетгани учун Аллоҳдан юз ўғирди, демоқдалар. Демак, илм мажлисидан қочиш Аллоҳдан юз ўғириш билан баробар ҳисобланади. Ўқувчи ва талабаларнинг дарсдан қочишини ҳам илм мажлисидан қочишга тенг дейиш мумкин. Мусулмон одам илм мажлисида қатнашиши зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Олимларнинг ганимат экани

22. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анху): «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг: “Албатта, Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди. Лекин илмни уламоларнинг жонини олиш билан кеткизади. Токи олим қолмаганда одамлар жоҳил бошлиқларни тутадилар. Шунда ўшалардан сўралади. Улар эса илмсиз равишда фатво берадилар. Шу билан ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар”, деганларини эшитганман», деб айтган.

Изоҳ: Аллоҳ илмни бирданига йўқ қилмаслиги, балки олимларнинг вафот этишлари билан секин-аста йўқ бўлиб кетиши айтилмоқда. Олимнинг ўрнига бошқаси чиқмагандан кейин илм ҳам йўқолиб боради. Шунда одамлар илмсиз одамларни ўзларига фатво берадиган қилиб сайлайдилар ва улар илмсиз «олимлар»идан

сўраганларида нотўғри фатво бера бошлайдилар. Бу билан ўзларини ва одамларни залолатга бошлайдилар. Шунинг учун илм олишга интилиш, олимларни ҳурмат қилиш лозим.

Ислом осонлик дини

23. Абу Бурда оталари ҳамда боболаридан накл қиладилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни (яъни боболарини) ва Муоз ибн Жабални (Яманга) юбораётиб: **“Осонлаштиринглар, қийинлаштирманглар, жалб қилинглар, бездирманглар ва ҳамжихат бўлинглар!”** деб тайинладилар».

Изоҳ: Исломда бирор масала ечимида ёки ҳукм чиқаришда, умуман олганда, ҳар бир нарсада осон тарафини олиш, қийин томонини олмаслик лозим. Бу шариат доирасидан чикмаслик шарт билан амалга оширилади. Осон томонини олиш Ислом динининг асосий қоидадир. Бошқа ҳадиси шарифларда айтилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га икки нарса орасидан бирини танлаб олиш ихтиёри берилса, осон томонини олганлар. У зот мана шу ҳадисни ҳар бир саҳобийга қайта-қайта тайинлаганлар.

Ислом ҳақида гапирилганда доимо яхшиликларни, хушхабар бўладиган нарсаларни гапи-

риш лозим. Нафратни келтирадиган, чўчитадиган, кўнглини қолдирадиган гап-сўзларни ишлатмаслик керак. Шунинг учун одамларга диндан гапирадиганлар бунга алоҳида эътибор беришлари лозим. Кишиларга диннинг осонлиги, икки дунё бахт-саодатига етказиши башоратини бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ота-онага яхшилик қилиш

24. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Бир одам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қилишимга ким ҳақлироқ?” деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: “**Онанг!**” дедилар. У: “Яна ким?” деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ: “**Онанг!**” дедилар. У: “Яна ким?” деди. Жаноб Расулуллоҳ: “**Онанг!**” дедилар. У: “Яна ким?” деб сўради. Жаноб Расулуллоҳ (бу сафар): “**Отанг!**” деб жавоб қилдилар».

Изоҳ: Киши учун бу дунёда унинг қиладиган яхшиликларига энг аввал онаси ҳақдор экани айтилмоқда. Чунки она ҳомиладор, туғиш, эмизиш, ўстириш вақтида отадан кўпроқ меҳнат қилади. Бу давр она учун энг қийин давр ҳисобланади. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ота-онадан қай бирлари бу яхшиликка ҳақлироқ дейилса, ушбу ҳадиси шарифга бино-

ан, она, деган жавобни берганлар. Болани дунёга келтириш, парваришлаш ишларида она кўпроқ машаққат чекади. Шунинг эътиборидан онанинг ҳақи отанинг ҳақидан муқаддам қўйилган.

***Бировнинг ота-онасини сўкиш
ўз ота-онасини сўкиш билан баробар***

25. Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Одам қиладиган катта гуноҳлардан бири ота-онасини ҳақорат қилишдир!”** дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, одам ўз ота-онасини қандай қилиб ҳақорат қилиши мумкин?!” дейишди. Жаноб Расулуллоҳ: **“Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлади”**, деб жавоб қилдилар».

Изоҳ: Инсон бошқа бир инсонни ёки ота-онасини сўкиши ва ҳақорат қилиши мумкин эмас. Балки бундай ҳолатда ўзини ёки ўз ота-онасини сўккан ва ҳақорат қилган билан баробар бўлиши айтилмоқда. Шунинг учун киши бошқа одамни сўкишдан сақланиши, ўзига назар солиши лозим.

Меҳр кўрсатмаган меҳр кўрмайди

26. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) Ҳазрат Алининг ўғиллари Ҳасанни ўпдилар. Шунда ўша ерда ўтирган Акраъ ибн Ҳобис Таймий: “Менинг ўнга болам бор, уларнинг бирортасини ҳам ўпмаганман”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга бир нигоҳ ташлаб қўйдилар-да, сўнг: **“Ким меҳрибонлик қилмас экан, меҳрибонлик кўрмайди!”** дедилар».

Изоҳ: Бу ҳадисда болаларни эркалаш, ўпиш, ўйнатиш, уларга болаларча муносабатда бўлиш лозимлиги уқтирилган. Бу эса болага катта таъсир ўтказувчи омил ҳисобланади. Чунончи, бола меҳрли бўлиб ўсади. Акс ҳолда, меҳр кўрмаган боладан катта бўлганда турли салбий нарсаларни кутиш мумкин.

Қўшничилик

27. Ойша (розияллоҳу анҳо) ривоят қилади: «Ё Расулуллоҳ, менинг икки қўшним бор, ҳадя улашишни уларнинг қай биридан бошлай?» дедим. Жаноб Расулуллоҳ: **«Эшиги эшигинга яқинидан»**, деб жавоб қилдилар.

Изоҳ: Мўминлар онаси Ойша (розияллоҳу анҳо) барча муслима аёлларга ибрат бўлганлар. Расулуллоҳ (соллоллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қўшнига яхшилик қилиш ҳақидаги ҳадисларини эшитибок, унга амал қилишга интиланлар.

Ўзларига ва барча умматга дарс бўлиши учун Расулуллоҳ (соллоллоҳу алайҳи ва саллам)га ушбу савол билан мурожаат қилганлар. Ушбу ҳадисдан қўшнилардан ҳадя ва совғалар беришга энг ҳақдори эшиги яқин қўшни экани тушунилади.

Яхши гумонда бўлиш

28. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Гумонсираманг, гумондан ёлгонроқ сўз йўқдир, бадгумонлик қилиб, тирноқ остидан кир қидирманглар, жосуслик қилманглар, ўзаро нафратланиб бир-бирингизга ёв қараш қилманглар, ўзаро урушманглар ва Аллоҳ таолонинг ўзаро иноқ, биродар бандалари бўлинглар!”** дедилар».

Изоҳ: Бу ҳам жамиятни ислоҳ қилишга қаратилган энг фойдали ҳадислардан биридир. Ушбу ҳадисда ҳам энг гўзал хулқларга тарғиб қилинмоқда. Демак, бошқа инсонлар борасида ёмон гумонга бормаслик лозим. Инсон кўп ҳолатларда гумонли нарсаларга дуч келса, асосан, ёмон ва салбий жиҳатларини ўйлайди, етиб келган хабарнинг ёки эшитган гапларидан яхши томонларини ҳам қидириш лозим. Шунингдек, тирноқ остидан кир қидириш, гап пойлаш, жосуслик қилиш, ҳасад қилиш,

аразлашиш, гина қилиш ва нафратланиш ҳолатларидан ҳам узоқ бўлиш мақсадга мувофиқ. Ҳадиснинг охирида: “Аллоҳ таолонинг солиҳ бандалари бўлинглар”, деган сўз ким шу ишларни қилмасдан ака-ука бўлиб ҳаёт кечирса, солиҳ инсонлар сафида бўлишини англатади.

Ноҳақлик

29. Саид ибн Зайд (розияллоҳу анҳу) деди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки ўзининг ҳақи бўлмаган ердан бир қаричини тортиб олса, киёмат куни ўша ер етти қават Ерғача унинг устига юкланади”, деганлар».

Изоҳ: Ушбу ҳадиси шарифда ўзганинг мулкига тажовуз қилиш улкан гуноҳ экани, унга бериладиган жазо ҳам жуда оғир экани айтилмоқда. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бир қарич деб айтишлари тортиб олинган мулкнинг катта ёки кичиклиги аҳамиятсиз эканини билдиради. Бир қарич бўлса ҳам, у ўзганинг мулки. Унга бериладиган жазо оғирлигича қолаверади.

Зулм

30. Ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Бир аёл бир мушук туфайли дўзахга кирди. У мушукни боғлаб қўйиб, на овқат берарди ва на уни ер ҳашаротларидан ейиши учун ўз ҳолига қўйиб юборар эди”, дедилар».

Изоҳ: Мусулмон киши амалларни паст санамаслиги лозим. Чунки эътиборга олинмаган арзимас иш ҳам улкан фалокатларга сабаб бўлиши мумкин. Ҳадисда келган аёл кичкинагина мушукка раҳм қилмагани, унга зулм қилгани учун дўзахий бўлди. Зеро, раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди.

Ҳалол касб қилиш

31. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг бирортангиз бир қучоқ ўтин йиғиб, уни сотиб тирикчилик қилиши биров берса ҳам, бермаса ҳам (тиланчилик қилиб) сўрашидан яхшидир”, дедилар».

Изоҳ: Ҳалол меҳнат, гарчи у тилга олишга арзимас бўлса ҳам, сарғайиб бировдан тиланчилик қилишдан афзалдир. Олувчи қўл доим пастда бўлади. Қолаверса, ҳалол меҳнат учун Аллоҳ таоло бандасига улкан ажрларни беради. Тиланчилик қилган инсонга эса фақирлик эшикларини очиб қўяди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кишиларни тиланчилик қилишдан

қайтариб, ҳалол меҳнат билан тирикчилик қилишга ўргатганлар.

Ҳалоллик баракадир

32. Микдом ибн Маъдикариб (розияллоҳу анҳу) айтади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Озиқ-овқатларингизни (тўғри) ўлчанглар, (Аллоҳ таоло) сизга барака ато этади!”** дедилар».

Изоҳ: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тижорат билан шуғулланувчиларга улкан дарс бермоқдалар. Бу ҳам бўлса, барака тўғрилиқдадир. Нотўғри ўлчаб, одамларнинг молини ботил йўл билан еганлар ўзларининг хаёлида фойда кўрдим деб ўйлайдилар. Лекин бунинг зарари бу дунёда тижоратлари бебарака бўлиши бўлса, охиратда аламли азобга дучор бўладилар. Тарозидан уриш ҳам ёлғоннинг бир тури. Бошқа ҳадисда эса «Ёлғончилар биздан эмас», дейилган.

Мунофиқнинг сифатлари

33. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Кимда **тўрт сифат мавжуд бўлса, у то ундан қутулмагунча, мунофиқдир. Агар ушбу тўрт сифат-**

дан бири кимда бўлса, уни тарк этмагунича (унда) мунофиқликдан бир сифат бор деб ҳисобланади, (улар): сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъда қилса, вафо қилмайди, аҳдлашса, аҳдини бузади, хусуматлашса, бузғунчилик қилади».

Изоҳ: Бу ҳадисда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўминга бегона бўлган тўртта салбий сифатни баён қилмоқдалар. Агар уларга диққат билан эътибор берсак, учта сифат ёлғончиликка бориб тақалади. Чунки ваъдага вафо қилмаслик, аҳдини бузиш ҳам ёлғоннинг бир тури ҳисобланади. Тўртинчи сифат, хусуматлашиб қолган кишига кек сақлаш, нотўғри йўллар билан адоват сақлаш мусулмоннинг сифатларига кирмаслиги таъкидланган.

Демак, ҳар бир мўмин бу разил сифатлардан йироқда бўлиши, бундай сифатларга олиб борадиган йўлга яқинлашмаслиги шарт.

Одамларнинг энг ёмони

34. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одамларнинг энг ёмони иккиюзламачи киши бўлиб, у бировларга бир юзини, бошқа бировларга эса иккинчи юзини қаратади”, деб айтганларини эшитдим».

Изоҳ: Иккиюзламачилик билан имон бир қалбада жамланмайди. Албатта, бири иккинчисини суриб чиқаради. Шунинг учун имони бор, ҳақиқий мўмин кишида бундай разил сифат бўлмайди. Мўмин киши сўзида, ҳаракатида, юриш туришида ростгўй бўлади. У ҳеч қачон бировга бир сўз, бошқа бировга иккинчи бошқа сўзни айтиб юрмайди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккиюзламачини одамларнинг энг ёмони дедилар. Чунки иккиюзламачи ер юзида фасод ишларни тарқатиб, одамларни бир-бирига душман қилиш ва жамиятдаги ҳамжиҳатликка путур етказишга ҳаракат қилади.

Дўзах аҳли сифати

35. Ҳориса ибн Ваҳб Ҳузойй (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дўзах аҳли кимлар эканини ҳам айтайми? Ҳар бир қўпол, мутакаббир, беқаноат ва димоғдор одам дўзах аҳлидир”, дедилар».

Изоҳ: Жаннатга кириш, дўзахдан қутулиб қолиш мусулмон кишининг энг катта орзусидир. Дўзах аҳли эса қўпол, гердайган, кибрли, бировнинг ҳақини поймол қиладиган, қаноатсиз, сабрсиз ва золим бўлади. Мусулмон киши бундай сифатлардан узоқда бўлиши лозим.

Бойлик

36. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Икки неъмат мавжуд бўлиб, кўпчилик одамлар уларнинг қадрига етмайдилар. Бу соғлик ва бўш вақтдир”**, дер эдилар».

Изоҳ: Бу ҳадисда зикр қилинган икки неъмат, яъни соғлиқ ва бўш вақтнинг қадрига етганимизда кўп ютуқларга эришган бўлардик. Ҳадисда айтилганидек, бу икки неъматнинг қадрига кўпчилик етмайди. Бошқа ҳадисда беш нарсани ғанимат билиш кераклигини баён қилиб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат бил:

- 1) йигитлик пайтингни кексайишингдан олдин;
- 2) соғломлигингни касал бўлишингдан олдин;
- 3) бойлигингни камбағал бўлишингдан олдин;
- 4) бўш вақтингни машғул бўлиб қолишдан олдин;
- 5) ҳаётингни ўлишингдан олдин».

Одам ҳаёти давомида турли қийинчиликларни кўради. Кимдир савдода, кимдир деҳқончиликда, яна кимдир бошқа нарсада. Шуларнинг ичида энг катта зарар бу соғлик ва бўш вақтнинг қадрига етмаслик зараридир.

Мусулмон одам соғлиққа зарар нарсаларни истеъмол қилишдан ва вақтини беҳуда ўтказишдан сақланади.

Қаноат

37. Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **«Мол-дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир!»** дедилар.

Изоҳ: Дарҳақиқат, ҳақиқий бойлик қалб бойлигидир. Агар қалб оч бўлса, кўлингизда бутун дунё бойлиги бўлса ҳам, камдек туюлаверади. Энг ёмон томони шундаки, қалб очлиги инсонни Аллоҳнинг ибодатидан ҳам тўсиб қўяди. Чунки у қанча топса ҳам, қанча йиғса ҳам, унинг кўзи бойликдан тўймайди ва шу бойликни топишим керак деб, намоз ва ибодатдан йироқ бўлиб юради. Қалби тўқ одам эса Аллоҳ берганига қаноат қилиб, зиммасидаги бандалик масъулиятини бажаради. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалби очларга хитоб қилиб бундай деган эдилар: «Агар одам боласининг бир водий мол-дунёси бўлса, яна ўшанча бўлишини истайди. Одам боласининг кўзини фақатгина тупроқ тўлдиради».

Куфр иш

38. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «**Мусулмонни сўкиш – фисқ, ўлдирмоқ – куфрдир!**» дедилар.

Изоҳ: Бу ҳадисда мусулмоннинг қадри Аллоҳ наздида нақадар улкан экани баён қилинмоқда. Мусулмонни сўккан одам фосиқ бўлиб қолар экан. Ўлдирган киши эса куфр амални қилган бўлади.

Аллоҳ мусулмонни ноҳақ ўлдирганларни қоралаб Қуръонда бундай марҳамат килди: «**Кимда-ким қасдан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай**» (*Нисо сураси, 93-оят*).

Ҳадисда ҳозирги кундаги террор гуруҳларининг Ислом номидан иш кўраётгани ва айбсиз кишиларни ўлдиришлари куфр иши экани баён қилинган.

Раҳбарга итоат

39. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “**Кимки ўз амирининг (раҳбар) бирор ишидан нафратланса, сабр қилсин, чунки**

ҳоқимият итоатидан заррача чиққан киши жоҳилият давридаги (итоатсиз кишилар каби) ўлим тонади!» дедилар».

Изоҳ: Бу ҳадисда бошлиқ ва раҳбарларга итоат қилиш лозимлиги айтиб ўтилмоқда. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида раҳбар фосиқ бўлса ҳам, унга қарши чиқилмайди. Мусулмон раҳбарга қарши чиққанлар шариатда «боғий», яъни “хаддан ошувчи” деб аталади.

Аллоҳ Қуръонда бошлиқларга итоат қилишга амр қилиб: **«Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз!»** деган. Шундай экан, ҳар бир мусулмоннинг раҳбарга итоат қилиши зиммасидаги вазифаси ҳисобланади.

Масъулият

40. Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: **«Ҳар бирингиз раҳбарсиз ва ҳар бирингиз ўз қўл остингиздагиларга масъулсиз! Одамларга раҳбарлик қилувчи ҳам бошлиқ бўлиб, ўз қўл остидагиларга масъулдир. Эр эса ўз оила аъзоларига бошлиқ бўлиб, уларга масъулдир. Хотини ҳам эрининг уйидагилар билан болаларига бош-**

лик бўлиб, уларга масъулдир. Қул эса хўжайинининг мол-мулкига ҳомий бўлиб, унга масъулдир. Демак, ҳар бирингиз бошлиқ бўлиб, ўз қўл остигиздагиларга масъулдирсиз!»

Изоҳ: Бу ҳадисда мусулмон киши, қайси даражада бўлишидан қатъи назар, қўл остидагилар борасида масъул экани баён қилинмоқда. Ислом худбинликка қарши. У нафақат ўзини, балки атрофидагиларни ҳам тўғри йўлга бошлашга, ёмонликдан қайтаришга масъулдир. Жамиятда ҳар бир киши ўз вазифасидан келиб чиқиб, ишига масъулият билан ёндошиши таъкидланмоқда. Кишилар ўз ишларини пухта, сифатли амалга ошириши зарур экани кўрсатилган.

Мундарижа

Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий ижоди	3
Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ Ас-сахих» асаридан 40 ҳадис	7
Ният	7
Яхши ишларга савобнинг кўпайтириб берилиши	8
Ислол арконлари	10
Бидъат рад этилади	11
Ҳалол ва ҳаром	11
Буйруқларни имкон қадар бажариш	13
Мол-мулк, жон ва обрў дахлсизлиги	14
Аллоҳ ёмон кўрган ишлар	15
Катта гуноҳлар	16
Мусулмон кишининг сифатлари	17
Кўшнига яхшилик	19
Ғазаб қилма!	20
Йўлнинг хаки	21
Чин мусулмон	22
Савоблар тўла берилади	23
Одоб	24
Дарахт экиш савоби	25
Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари	26
Савобли ишлар	27
Аллоҳ муҳаббатига сабаб амал	28
Илм	29
Олимларнинг ғанимат экани	31
Ислол осонлик дини	32
Ота-онага яхшилик қилиш	33
Бировнинг ота-онасини сўқиш ўз ота-онасини сўқиш билан баробар	34
Меҳр кўрсатмаган меҳр кўрмайди	34
Кўшничилик	35
Яхши гумонда бўлиш	36
Ноҳақлик	37
Зулм	37
Ҳалол касб қилиш	38
Ҳалоллик барақадир	39
Мунофиқнинг сифатлари	39
Одамларнинг энг ёмони	40
Дўзах аҳли сифати	41
Бойлик	42
Қаноат	43
Куфр иш	44
Раҳбарга итоат	44
Масъулият	45

Диний - маърифий нашр

ИМОМ БУХОРИЙДАН ҚИРҚ ҲАДИС

Муҳаррирлар: Абдул Жалил ХУҶАМ,
Жамшид ШОДИЕВ
Бадий муҳаррир: Равшан МАЛИҚОВ
Саҳифаловчи: Комилжон МАҲМУДОВ
Мусаҳҳиҳа: Нилуфар АБЛАЕВА

Нашриёт лицензия рақами: АІ 146. 2009.14.08.
Босишга 2018 йил 11 августда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108 ^{1/32}
Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 2,5 Шартли б. т. 1,5
Адади: 11000 нусха. 131-сон буюртма.
Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар
Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.
Электрон почта: m-nashr@mail.ru.
Тел: (0-371) 227-34-30

“Муҳаррир нашриёти” МЧЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 20А-мавзе
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.

ИМОМ
БУХОРИЙДАН
ҚИРҚ ХАДИС



ISBN 978-9943-12-545-2



9 789943 125452